

Инвестициялар ва қурилиш

2017 йил январь-июнь ойларида вилоятнинг асосий капитални кўпайтиришга 1173,9 млрд. сўм миқдорида инвестициялар киритилди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 86,6 фоизни ташкил қилди.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши қуйида келтирилган:

| | млрд.сўм | ўсиш суръати, % | яқунга нисбатан фоиз |
|--|---------------|-----------------------|----------------------------|
| Асосий капиталга киритилган инвестициялар | 1173,9 | 86,6 | 100,0 |
| шу жумладан | | | |
| Марказлашган инвестициялар: | 324,9 | 57,4 | 27,7 |
| бюджет маблағлари | 31,5 | 26,0 | 2,7 |
| давлат мақсадли фонд маблағлари | 44,2 | 69,1 | 3,8 |
| ҳукумат кафолати остида чет эл кредитлари | 249,2 | 61,4 | 21,2 |
| Марказлашмаган инвестициялар | 848,9 | 106,4 | 72,3 |
| корхоналарнинг ўз маблағлари | 250,5 | 93,8 | 21,3 |
| аҳоли маблағлари | 321,5 | 98,9 | 27,4 |
| тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар | 54,6 | 126,9 | 4,7 |
| тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари | 222,3 | 127,5 | 18,9 |
| бошқа турдаги инвестициялар | - | - | - |


2017 йил январь-июнь ойларида асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркиби қуйида келтирилган:

| | жами | Давлат | Нодавлат |
|---|--------|--------|----------|
| Жами, млрд. сўм | 1173,9 | 99,6 | 1074,3 |
| шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўринишида | | | |
| қурилиш-монтаж ишлари | 56,5 | 70,2 | 55,3 |
| машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар | 32,1 | 21,4 | 33,0 |
| Бошқа ҳаражатлар | 11,4 | 8,4 | 11,7 |

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг тузилиши 2016 йил январь-июнга нисбатан қурилиш-монтаж ишларнинг улуши 25,8 фоизли пунктга камайган, машина, ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар қиймати улуши 17,1 фоизли пунктга камайган лекин бошқа ҳаражатларнинг улуши 9,2 фоизли пунктга кўпайган.

Асосий капиталган киритилган инвестициялар ва кредитларни иқтисодий фаолият турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



- Уй-жой қурилиши
- Ишлаб чиқарадиган саноатда
- Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашда
- Улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида
- Ташиш ва сақлашда
- Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш
- Қурилиш
- Профессинал, илмий ва техник фаолият
- Бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш
- Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш
- Бошқа фаолият турлари

Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

2017 йил январь-июнида умумий майдони 541,4 минг кв.м. бўлган 4508 та (2016 йил январь-июнига нисбатан 105,8 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 404,0 минг кв.м. (95,5 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди. Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 309,0 млрд. сўми ёки 58,1 фоизи уй-жой қурилишида ўзлаштирилди.

Умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим муассасалари, musiқа ва санъат мактаблари қуриш ва қайта таъмирлашда 23,4 млрд. сўмлик инвестициялар

ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 4,4 фоизини ташкил қилди.

Соғлиқни сақлаш объектларини қуриш ва реконструкция ишларида 6,1 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 1,1 фоизини ва соғлиқни сақлаш соҳасига киритилган инвестицияларнинг 41,5 фоизини ташкил қилди.

Коммунал қурилиш соҳасида 97,7 км узунликдаги ичимлик суви, 4,1 км узунликдаги газ тармоқлари ишга туширилди, бу 2016 йил январь-июнга нисбатан мос равишда 92,7 ва 35,0 фоизни ташкил қилди.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига давлат бюджети ҳисобига 299,7 млн. ва аҳоли маблағлари ҳисобига 1544,4 млн.сўм, газ тармоқлари қурилишига эса 43,0 млн. сўм миқдорида инвестициялар ўзлаштирилди.

Қурилиш фаолияти. 2017 йил январь-июнда 712,8 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 111,6 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 76,6 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари, 8,9 фоизи фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 14,5 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди. Шу жумладан умумий ҳажмдан 78,4 фоизи янги қурилиш, реконструкция ва кенгайтириш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга тўғри келади.

Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 681,5 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 95,6 фоизни (2016 йил январь-июнга нисбатан ўсиш суръати 111,0 фоизни) ташкил қилди.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимооти қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида

